



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 28 ноябрь, № 252 (8595)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



САУДИЯ АРАБИСТОНИ БИЛАН КЕНГ КўЛАМЛИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Саудия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва кенг кўламли шерикликни янада кенгайтириш, шу жумладан, олий даражадаги келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида инвестициялар вазири Ўзбекистон етакчисига Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин

Абдулазиз Ол Сауд ҳамда Валиахд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилакларини йўладди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўзаро савдо кўрсаткичлари, Ўзбекистон иқтисодиётига, энг аввало,

“яшил” энергетика соҳасига Саудиянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми, авиақатновлар сони ортиб бормоқда.

Саудия тараққиёт фонди кўмағида соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти ва бошқа йўналишларда бир қатор ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйи-

ча қўшма фонд ташкил этилмоқда.

Саудия делегациясининг бу галги ташири доирасида кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, IT ва инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида 12 миллиард долларлик ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

Юртимизнинг турли ҳудудларидаги йирик энергетика лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, транспорт инфратузилмаси ва коммунал хўжалиги, геология, ирригация, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, олий таълим, меҳнат миграцияси бўйича умумий қиймати 11 миллиард долларлик янги лойиҳа ва дастурларни илгари суришга келишиб олинди.

Ўзбекистонда “яшил” энергетикани ривожлантиришда энг катта сармоядор ва стратегик ҳамкор бўлган “ACWA Power” компанияси билан сермахсул ҳамкорлик алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда компания билан биргаликда қиймати 7,5 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Сирдарё вилоятида 1,5 гигаватт қувватли замонавий иссиқлик электр станциясининг фаолияти ҳамда Тошкент вилоятида “яшил водород”ни “пилот” тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ишлари бошланаётганини олқишлади.

Шунингдек, вазир Ҳолид ал-Фалиҳни Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва ҳар томонлама кўмағи учун “Дўстлик” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЙИРИК ЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Саудиянинг етакчи “ACWA Power” компанияси билан амалга оширилаётган лойиҳалар — Сирдарё вилоятида 1500 мегаватт қувватли замонавий буг-газ электр станциясини тармоққа улаш ҳамда Тошкент вилоятида «яшил водород»ни «пилот» тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишни бошлаш маросимида иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Сирдарёдаги қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган иссиқлик электр станцияси лойиҳаси 3 миллиондан зиёд хонадон ва юзлаб саноат корхоналарининг электр энергиясига эҳтиёжини таъминлашга имкон беради.

Бундан ташқари, минтақамизда илк бор “яшил водород” ишлаб чиқариш бўйича ўхшаши йўқ корхона ташкил этилмоқда. Ушбу “пилот” лойиҳа доирасида мамлакатимизда биринчи босқичда 3 минг тонна водород ишлаб чиқарилади ва кейинчалик минерал ўғитларга қайта ишланади, шунингдек,

52 мегаваттлик шамол электр станцияси қурилади.

Умуман, “ACWA Power” компанияси иштирокида Ўзбекистонда 7,5 миллиард долларлик йирик энергетика лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши 2030 йилга бориб 25 гигаватт қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш, 4,5 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш ва атмосферага зарарли моддалар ташламаларини 3 миллион тоннагача қисқартириш имконини беради.

Ў.А.

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ



ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясида навбатдаги, 43-сессияни 2025 йилда Самарқандда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бир қарашда бундай хабарлар юртдошларимиз учун сиёсий воқеалар силсиласининг узвий давоми сифатида талқин этилар. Аммо ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси оз эмас, кўп эмас, қирқ йилда илк бор Париж шаҳридан ташқарида ўтказилишини инобатга олсак, бу ҳар бир ватандошимизнинг қалбини фаҳрга тўлдириши, шубҳасиз.

3-саҳифага қаранг. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очик маълумотлар кўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш), Коррупцияга қарши ку-

рашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Бош прокуратуранинг коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш бўйича қуйдаги тизимни жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

ҳар чорада Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилади ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқиши маж-

бурий бўлган тақдимнома киритиб боради;

ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилатган чоралар Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иш-тирокида тақдидий муҳокама қилиб борилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйидаги маълумотлар билан тўлдирилсин:

худоўлар кесимида “Ҳаж” тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга боровчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами) маълумотлар;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2023 йилнинг 25 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги

Ешлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг қирқ еттинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан бир қаторда интеллектуал мулк объектларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилинишни таъминлашга ва сифатли давлат хизматларини кўрсатишга қаратилган тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда аҳолига профессионал хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув аппаратини яратиш, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда адлия органларининг тўтган ўрни ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг зиммасига интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшимча вазифалар юклатилди.



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ, ҲУҚУҚ ВА МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда турли жабҳаларда олиб борилаётган ислохотлар билан бирга, сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолиятига доир ҳуқуқий асослар янада кучайтирилмоқда.



Бунинг самарасини сўнгги тўрт-беш йилда оммавий ахборот воситалари мазмун-моҳиятидаги янгиликлар, айниқса, нодавлат интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар фаолиятидаги фаолликда яққол кузатишимиз мумкин.

Одамлар ишини, ўқишини, хоббиларини, турли товар ва хизматлар логисти-

касини, қолаверса, давлат хизматларини ҳам интернетга “қўчиряпти”. Бу, ўз навбатида, Конституция ва қонунларни замонга ҳамнафас тарзда ўзгартиришни талаб қилади.

Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 33-моддаси билан ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳар ким ис-

талган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилди.



Қонунчилик палатаси фракцияларида

ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури — СПЕКА саммитидаги нутқи мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтилди. Шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари қизгин кўриб чиқилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши му-

носабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.



Фикр

ИСЛОҲОТЛАРГА СУРЪАТ БЕРИШИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенати қирқ еттинчи ялпи мажлисининг иккинчи куни ҳам қизгин баҳс-мунозараларга бойлиги билан ажралиб турди. Негаки, унда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга янгича суръат бериши кутилаётган масалалар таҳлил марказида бўлди. Сенаторлар улاردан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда янгиланишлар жараёниндаги аҳамияти ҳақида қўйадигача фикр билдирди.

Қозоғистон билан алоқаларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, ҳорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси:

— Маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати туфайли дунёнинг турли минтақаларидаги давлатлар, жумладан, қўшиларимиз билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Натижада ўзаро бордин-кедди-ларимиз ва ҳамкорлигимиз суръати ошди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган билан эътиборга молик. Номидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур қонун Қозоғистон билан алоқаларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Мазкур шартноманинг асосий мақсади икки мамлакат мустақил-

лиги, суверенитети, ҳудудий яқинлигини ва барқарор иқтисодий ривожланишини янада мустаҳкамлашга қаратилган давлатлараро муносабатларнинг янги босқичини шартнома-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат. Айни чоғда у ташқи сиёсат, мудофаа, хавфсизлик ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш, трансчегаравий сув ресурсларида оқилона фойдаланиш бўйича қўшма чора-тадбирлар кўриш, парламентлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлар ўртасида алоқани мустаҳкамлаш сингари соҳаларда яқин ҳамкорлиқни назарда tutади.

Ишонамизки, мазкур Шартноманинг ратификация қилиниши икки халқ маънавий-маданий яқинлигини мустаҳкамлаш, маданият, илм-фан, таълим ва спорт йўналишларида ўзаро алоқаларимизни янада кучайтиришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Оилавий корхоналар ривожиди муҳим ўрин тутади

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси:

— Сир эмас, кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш, оилавий тадбиркорлиқни кенг ривожлантириш, аҳолини спорт билан шуғулланишга кўпроқ жалб этишга қаратилган эзгу савй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу амалда қандай самара бераётганини барчамиз кўриб-билиб туримиз.

Ялпи мажлисда кўрилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу мақсадда ишлаб чиқилган бўлиб, унда бир қатор янгилıklar мавжуд. Масалан, юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари меҳнат шартномасини тузган ҳолда беш нафаргача доимий ходимни ёллаш ҳамда оилавий корхона иштирокчисига бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона

иштирокчиси бўлиш ҳуқуқини бериш қўзда тутилмоқдаки, бу ушбу соҳа ривожиди муҳим ўрин тутушини ҳозирдан тасаввур этиш қийин эмас.

Қолаверса, қонун билан давлат ва нодавлат спорт-таълим ташкилотлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган махсус спорт кийим-бошлари, пойабзал, спорт анжонлари ва жиҳозлари ҳамда ускуналарининг эллик фоизи учун божхона божини тўлашдан озод этиш тарзидagi имтиёзлар берилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш тўғрисида қарорларини имзолаш бўйича ваколатлари бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилаётганини ҳам муҳим янгилік сифатида кўриш мумкин.

Амалдаги нормалар ўзгаришларга мослаштирилмоқда

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган институционал ислохотлар унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашни тақозо қилиши ўз-ўзидан тушунарли.

Ялпи мажлисда маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шундай ҳаётий зарурат туфайли ишлаб чиқилди.

Гап шундаки, институционал ислохотлар доирасида қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида, шунингдек, миллий мудофаа саноати йўналишида давлат бошқаруви тизими тақомиллаштирилиб, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали йuritиш бўйича устувор йўналишлар белгиланди.

Қонун билан айрим қонунлар нормалари институционал ислохотлар, жумладан, янги тахрирдагй Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштирилмоқда. Айни чоғда тутатилган, қайта ташкил этилган ва ташкилий бўйсунуви ўзгарган давлат органлари ваколатлари қайси давлат органларига ўтказилганлиги аниқлаштирилаётир.

Хусусан, Мудофаа саноати давлат кўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа

вазирлиги хузуридаги Мудофаа саноати агентлиги ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги хузурида “O’ztextreyd” ДУК ўзбекистон ташқи сиёсатда ҳар томонлама манфаатли ва тузилганлиги муносабати билан “Давлат божи тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва харбардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилляпти.

Шунингдек, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ветеринария ва қорвачилиқни ривожлантириш кўмитаси ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилди. Қолаверса, Сув ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта номланди. Шу муносабат билан қатор қонунларга ўзгартишлар киритилмоқда.

Айтиш мумкинки, бу янгиланишлар аграр, сув ҳамда мудофаа саноати соҳаларининг республика даражасидаги органлари ваколатларини аниқлаштириш ва уларда яқлит тизимни шакллантиришда қўл келади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА



Таъкидланганидек, кейинги йилларда республикада ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини тақомиллаштириш, шу орқали аҳоли ҳаёти ва соғлими, жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш имконини берадиган ёнгин хавфсизлигининг яқлит тизимини шакллантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнгин-қутқарув тузилмалари томонидан 2022 йил давомида 3 минг 994 нафар фуқаро фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлардан қутқарилиб, ҳаёти сақлаб қолинишига эришилган.

Шу билан бирга, ёнгинлар профилактикаси соҳасида тизимли ишлар амалга оширилаётганига қарамай, аҳолининг маиший ҳаётида ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ёнгинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини қучайтириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бундай тоифадаги ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиш бўйича ягона ёндашуви шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари Нодир Абдувалиев ва Баҳром Раҳмоналиев қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволларни ўртага ташлашди. Мутасаддилар депутатлар томонидан кўтарилган ҳар бир савол бўйича асосланган тушунтиришлар бериб ўтди.

Минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболлари

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йигилишида Ўзбекистон раҳбарининг ҳозирги глобал геосиёсий беқарорлик шароитида минтақа мамлакатлари дуч келаётган хавф-хатарларга эътибор қаратган ҳолда, СПЕКА доирасидаги минтақавий ҳамкорлиқни янада қучайтириш бўйича қатор амалий ташаббусларни илгари сургани алоҳида эътироф этилди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан минтақавий савдония рабатлантириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, “ашил” иқтисодиёт, инновациялар, юқори технологиялар, транспорт, логистика, мўқобил энергетика, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлигини, замонавий ижтимоий инфраструктурани яратиш ва бошқа соҳалардаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ тақлиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилди.

— Бу яна бир бор Ўзбекистоннинг ислохотлар сиёсати, дунё қанчалік нотинч бўлишига қарамай, тинч ва тотувлик, биргаликда ривожланиш мақсадлари асосига қурилганидан далолат беради, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Шундан сўнг, депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшим-

чалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда. Яъни жисмоний ва юридик шахсга тегишли бўлган транспорт воситаларидан фойдаланиб, содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланган тақдирда, транспорт воситаларини фуқаролик ҳуқуқий тартибда фойдаланиш ҳуқуқини олган ҳамда ушбу транспорт воситаларидан фойдаланаётган шахсларнинг ўзлари маъмурий жавобгарликка тортилишини белгилаш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишончнома асосида юридик шахсга тегишли транспорт воситаларини бошқараётган ҳақиқий йўл ҳаракати қоидабузарларни маъмурий жавобгарликка тортиш имконини беради. Бу орқали транспорт воситаларини ишончнома асосида ижарага бериш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўринли эътирозлари бартараф этилади. Шунингдек, уларга ушбу соҳада қўшимча қулайлиқлар яратилишига хизмат қилади.

Манзилли ишлар тизимида қандай камчиликлар бор?

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йигилишида “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддасига ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларининг воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ҳамда хотин-қизларга нисбатан таъйик ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда республикаимизда воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ортиб бораётгани ҳамда муаммоли ўқувчилар билан уларнинг ота-оналари иштирокида манзилли ишлар тизимида камчиликлар мавжуд экани кузатилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан воёга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг ҳамда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари хотин-қизлар масалалари бўйича (катта) инспекторларнинг ваколатлари кенгайтириляпти. Шу мақсадда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига қўшимчалар киритилмоқда. Яъни воёга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга воёга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи берилиши назарда тутиляпти. Шунингдек, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларга ҳимоя ордери талабларини ба-

жармаслик учун назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколати берилиши кутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича самарадорлиқни оширишга, профилактика инспекторлари иш юкломаларини енгиллаштиришга йўл очади.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан қатор саволлар кўтарилди. Айрим нормалар борасида асосли тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун ташаббускорлари берилган саволлар бўйича тушунтиришлар бериб, билдирилган тақлифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олинишини қайд этди.

Пенсия тайинлаш билан боғлиқ меъёрлар акс этмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йигилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз амалга ошириш ва аҳолига давлат хизмати кўрсатилишини яхшилашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди. Унда фуқароларга пенсия тайинлаш билан боғлиқ меъёрлар ўрин олган.

Лойиҳа билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, пенсияларнинг энг кам миқдори энг кам иستمол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда. Фракция аъзолари бу меъёр партия гоёларни амалга ошиши қафолатини мустаҳкамлаётгани, пенсияерларнинг ҳуқуқлари ҳимояси қучайтирилаётганини қайд этишди.

Шунингдек, лойиҳадаги иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар расман белгиланган энг кам иستمол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги норма ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Лойиҳага кўра фуқароларнинг Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тайинлаш учун муурожаат қилиш ҳуқуқини яратиш, Пенсия жамғармаси томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган фуқаронинг пенсионерлиги ҳақидаги маълумотлар асосида жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги тўловларини олиш ҳуқуқини яратиш назарда тутилмоқда. Депутатлар бундай тартиб фуқароларни ортқча оворагарчилик ва югур-югурлардан ҳимоя қилишини қайд этиб, қонун лойиҳасини маъқуллашди.

Инвестиция

Қўшма корхона иш бошлади

Нуробод туманининг Сазагон массивидан “Ургут” эркин иқтисодий зонаси учун 360 гектар қаровсиз ер майдони ажратилиши натижасида ўтган қиска даврда қатор саноат корхоналари ишга туширилди.

Айни пайтда ҳудудда умумий қиймати 80 миллион АҚШ доллари бўлган 14 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар ўнта истикболли лойиҳа фойдаланишга топширилиб, юзлаб иш ўринлари яратилди.

Массивда ишга туширилган корхоналар томонидан жорий йилнинг ўн ойи давомида 151 миллиард сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилди ҳамда 6 миллион АҚШ долларида ортқ махсулотлар экспорт қилинди.

Шу кунларда россиялик инвесторлар иштирокида яна бир йирик лойиҳа — ўсимликлар ҳимояси бўйича қимёвий воситаларни ишлаб қиларувчи янги қўшма корхона фаолият бошлади.

— Бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида эллик турдаги қимёвий воситалар ишлаб қиларилади, — дейди қўшма корхона бош мутахассиси Ихтиёр Қўлдошев. — Махсулотлар учта асосий, битта ёрдамчи цехда тайёрланиши учун Европадан энг сўнгги авлод технологиялари олиб келиб ўрнатилди.

Янги қувватнинг ишга туширилиши натижасида биринчи босқичда юзта иш ўрни очилди. Яқин истикболда корхона фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахририяти жамоаси тахририятини собиқ ходими Хушвакт АБДУЛЛАЕВИННГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чқур ҳамдардлик изҳор этади.



Табиатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ваколатлар янада тақомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаида кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганига эътибор қаратди.

Экологик партия томонидан ҳам мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлаш асосий дастурий мақсад ва вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган.

Маълумки, янги тахрирдаги Конституция талабларидан келиб қикиб, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилган маъмурий ислохотлар доирасида Табиат ресурслари вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига айлантирилди ҳамда унинг ваколатлари, вазифа ва функциялари, фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди.

Йигилишида айтилганидек, муҳокама этилган қонун лойиҳаси билан “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритиш, хусусан, вазирлиқнинг номи, вазифа ва функцияларини қонун ҳужжатларида белгилаш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан Олий Мажлис палаталари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари янада тақомиллаштирилмоқда.

Муҳокамаларда депутатлар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Фракциялар йигилишларида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Шу билан бирга, кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Зулайхо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ, ҲУҚУҚ ВА МАСЪУЛИЯТ



Шунингдек, давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибни таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланган бошқа сир ошқор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши ҳам мустаҳкамланди.

Аввалги Конституцияда сўз эркинлиги, ҳар қандай маълумотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, интернетдан фойдаланиш ҳуқуқи ва шартлари назарда тутилмаган эди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Асосий Қонунимизнинг 33-моддасидаги давлат интернетга киришни таъминлаш учун шарт-шароит яратиши мазмунидаги норма давлатнинг бу борада зарур шарт-шароитларни яратиш масъулиятини қафолатлайди.

Модданинг мазкур нормаси сўз эркинлиги ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш, ушбу жараёнларни тезлаштириш ҳамда тақомиллаштиришга хизмат қилишига қаратилган. Ушбу янги норма билан ҳар бир шахсининг интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқи эътироф этилди. Бу ҳуқуқнинг таъминланиши учун бевосита давлатнинг ўзи шарт-шароитлар яратиши аниқ белгиланди.

Интернетдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи инсоннинг сўз эркинлиги ҳуқуқи доирасига ки-ради. Ушбу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъи назар, турли ахборот ва гоёларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўзида камрайди. Шундай экан, инсонлар зиммасига ахборотни интернет орқали излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигидан фойдаланувчи ҳуқуқлар билан бир қаторда мажбурият ва масъулият ҳам юклиниб, қонунга мувофиқ равишда айрим чекловлар ўрнатилиши ҳам табиий ҳол.

Шу маънода, 33-модданинг охириги бандидаги нормалар барчамизни ижтимоий масъулиятни англашга, оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирмадан, далилни бўхтондан ажратишга даъват этади. Ҳуқуқий давлат, демократик жамяят ривожининг муҳим шартлари ҳисобланган инсон эркинлигини таъминлашни мустаҳкам, адолатли қонунчилик билан қафолатлаш — Конституцияга қўшимча ва ўзгартаришлар киритилишининг асосий сабабларидан биридир.

Фуқароларнинг сўз эркинлиги Асосий Қонунда қафолатлангани, уни суиестемол қилишга йўл қўйилмаслиги мамлакатимизда сўзнинг юксак кадрланишидан далолатдир.

Дурдона РАСУЛМУҲАМЕДОВА,
Тошкент давлат юридик университети
доценти.

20 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари вакилларида иборат Ўзбекистон делегацияси Варшава шаҳридаги “Ptak Warsaw Expo” марказида бўлиб ўтган “Fast Textile — 2023” халқаро тўқимачилик кўргазмасида иштирок этди.

Хамкорлик

Бу йилги тадбирда 45 мамлакатдан 600 дан ортиқ компаниялар вакиллари қатнашди. Ушбу кўргазмада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари “Made in Uzbekistan” ёрлиги остида 400 квадрат метр майдонда тақдим қилинди.

Таъкидлаш керакики, Польшада ўзбек тўқимачилик маҳсулотларига талаб охиб бораётир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, кўргазма давомида Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари вакиллари хорижий шериклар билан 20 миллион доллардан ортиқ экспорт шартномаларини имзолашди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси мамлакатимизнинг Варшавадаги элчихонасида ўтказилган бизнес-форумда, Лодзь шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек тўқимачилик шохобчасининг очилиш маросимида ва бошқа тадбирларда иштирок этди.

Жумладан, Польшанинг Лодзь шаҳридаги “Ptak Fashion City” савдо марказида Андижон

вилоятида жойлашган “MT Textile” тўқимачилик компаниясига қарашли “Milana” савдо шохобчасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси ва Лодзь шаҳри жамоатчилиги вакиллари қатнашди.

Ушбу савдо масканида бугунги кунда мазкур корхона томонидан Польшага ва Европанинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинаётган тайёр трикотаж маҳсулотларидан намуналар намойиш этилди.

Савдо шохобчасининг тантали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон элчиси Амирсаид Ағзамходжаев савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида Ўзбекистон — Польша хамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, Европа бозорига тўқимачилик маҳсулотлари экспортини янада ошириш вазифалари ҳақидаги маълумотларни иштирокчилар эътиборига ҳавола қилди.

Сафар давомида, шунингдек, Ўзбекистон ва Польша тўқима-

чилиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари иштирокида мамлакатимиз элчихонасида биз-нес-форум ўтказилди.

Йигилганлар эътибори Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида хамкорлиқнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари, хусусан, яқинда очил-диган Тошкент ва Варшава ўрта-сидаги тўғридан-тўғри авиақат-новлар аҳамиятига қаратилди.

Элчихона томонидан ўтказилган тақдиротда Европа Иттифоқининг “GSP+” тартиби натижасида 2022 йил якунлари-га кўра, ўзаро товар айирбош-лаш ҳажми 40 фоизга ўсиб, 345 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан “Польша — Осиё” савдо палата-си президенти Януш Пехочински-нинг айтишича, Польшада Ўзбе-кистондаги жадал ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнини диқ-қат билан кузатишмоқда.

— Республикани ривожланти-риш ва модернизация қилиш бўйича комплекс дастур Польша тадбиркорлари билан хамкор-ликни кенгайтириш учун ажойиб имконият, бу иккала то-мон учун ҳам фойдали, — деди у. — Польша бизнеси учун яхши истиқболли мамлакат — Ўзбе-кистон билан яқин хамкорлик

қилиш вақти келди. Ўзбек экс-портчилари Европа бозорига умумий қиймати 4 миллиард евро бўлган 500 номдаги сано-ат товарларини етказиб бериш-га тайёр эканини олқишлайман. Икки мамлакат ўртасида туризм соҳасидаги хамкорлиқнинг ишга солинмаган имкониятлари ҳам кўп.

Тадбир доирасида “G2B” ва “B2B” форматидagi музокара-лар ташкил этилди. Уларда қатор қўшма дастур ва лойиҳа-ларни амалга ошириш бўйича аниқ қилишувларга эришилди.

Бизнес-форум якунида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюш-маси ва Польшадаги энг йирик кўргазмалар маркази — “Tagi Kielce” ўртасида Хамкорлик ме-морандуми имзоланди. Томон-лар 2024 йил май ойида Польшанинг Кельце шаҳрида халқаро тўқимачилик кўргазма-сини ўтказишга келишиб олди.

Таъкидлаш керакики, ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари Вар-шава ва Лодзь шаҳарларида жойлашган тўртта тўқимачилик савдо уйи орқали сотилади. Жорий йилнинг январь — ок-тябрь ойларида Польшага мам-лакатимиздан 60 миллион дол-лар миқдоридagi тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинган.

«Дунё» АА.
Варшава

Гафур Ғулом таваллудининг 120 йиллиги

Асарларида халқимиз ўзлиги ва ғурури ифодаланган

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири, жамоат ва давлат арбоби Гафур Ғулом таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли адиблар, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, ижодкорлар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида Гафур Ғулом ҳақида-ги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Кечада мамлакатимизда адабий исло-хотлар янада ривожланаётгани, Гафур Ғулом қолдирган адабий меросни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаёт-гани, асарларининг моҳияти ҳақида сўз юритишди.

— Гафур Ғулом ҳаммамиз учун севи-ми адиб эди, юртимизда унинг асарлари кириб бормасдан хонадон кам топилади, —

дейди Гафур Ғулом уй-музеи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Олмосхон Ғуломов. — Ижодкор-нинг шеърини ва насрида халқимиз та-рихи, ўзлиги, ифтихори бадий тимсоли-ни топган. Ёзувчининг ижоди ранг-баранг шеърлар, қўшиқлар, дostonлар, қасидалар, ҳикоялар, қиссаларни ўзида жамлаган. Шунингдек, Пушкин, Лермонтов, Грибоедов, Маяковский, Нозим Ҳикмат, Руставели, Низомий, Шекспир, Данте, Бомарше ва

бошқаларнинг асарларидан ўзбекчага қилган моҳирона таржималари адабиёт муҳибларининг қалбидан чуқур жой эгаллаган.

Кечада шоир шеърларидан, таржима-ларидан намуналар ўқилди. Мониторда адиб асарлари асосида суратга олинган “Шум бола”, “Едгор” фильмларидан пар-чалар намойиш этилди. Шунингдек, Гафур Ғулом шеърларига басталанган қўшиқлар давргага ўзгача сукуҳ бағишлади.

Шоир таваллудига бағишланган тадбир-лар юртимизнинг барча ҳудудда давом этмоқда.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Эътироф

ВАКИЛЛАРИМИЗ ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИ РИВОЖИГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИ УЧУН ТАҚДИРЛАНДИ

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида Осиё Паралимпия қўмитасининг 2023 йил сарҳисоби бўйича тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Қувонарлиси, тадбирда Осиё Паралимпия қўмитаси вице-президенти — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси Мухторхон Ташходжаев юртимизда ва қитъамизда паралимпия ҳаракати ривожига қўшаётган хизматлари учун Осиё Паралимпия қўмитасининг фахрий ордени билан тақдирланди.

Бундан ташқари, парангил атлетика бўйича “Токио — 2020” ёзги Паралимпия ўйинлари совриндори, жаҳон чемпиони, Ханчжоуда ўтказилган Парасолиё ўйинлари солибаси Асила Мирзаёрова қитъамизнинг “Энг яхши аёл параатлети”, дея топилди.

Бу мамлакатимизда паралимпия ҳаракати ривожини учун қаратилган саъй-ҳаракатларнинг юксак эътирофи ҳам-дир.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ — ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ

Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида Халқаро қиличбозлик федерациясининг (FIE) навбатдаги конгресси ўтказилди. Унда ортда қолган давр мобайнида қилинган ишлар сарҳисоби ҳамда янги йил учун режалар кўриб чиқилди.

Конгрессда Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси раҳ-барияти ҳам иштирок этди. Якунда FIE рейтингига би-ринчи ўринни эгаллаган энг яхши спортчи ва жамоалар-ни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Эътиборли жиҳати, саблячи йигитларимиздан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мазкур тоифада дунёнинг энг яхши жамоаси, деб эътироф этилди.

Саблячиларимиз ёшлар ўртасидаги жаҳон кубоги босқичларида 4 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритишган эди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

БАНККА БОРМАЙ, ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт суръатини жадаллаштиришда замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар муҳим омилига айланмоқда. Рақамлаштириш ҳаётимизнинг барча соҳаси, жумладан, молия секторига ҳам жадал кириб бормоқда. Бунда, айниқса, мобиль телефонларнинг ҳар янги авлоди билан янада кенгайиб бораётган техник имкониятлар ва инновацион ечимлар муҳим роль ўйнаётди.

НАМКОРБАНК

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Одатда, бундай инновацион ечим-ларни биринчилардан бўлиб молия соҳасида фаолият юритувчи компа-ниялар, пул ўтказмалари операторла-ри ва банклар ўз иш фаолиятига тат-биқ қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам банк соҳасидаги рақамли транс-формациянинг бир қисми сифатида мобиль иловаларни мижозлар учун универсал молиявий ечимлар тўплами

сифатида ривожлантириш ва масофа-дан туриб тақдим этиладиган хизмат-ларни йўлга қўйиш жадал кенгайди. “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки ҳам ана шундай ўзгаришларни ўз бизнес моделига татбиқ қилиб, ми-жозларга қулайлик яратаётир. Ушбу молия муассасасининг “HamkorLab” — рақамли офиси томонидан ишлаб чи-қилган “Hamkor” иловаси ана шу мақ-садга хизмат қилмоқда.



Иловани яратишдан мақсад ми-жозларнинг кундалик банк хизмати-дан банкка бормасдан фойдалани-шини йўлга қўйишдан иборат. Янги илова дизайн ва ишлатиш қулайли-ги, хавфсизлиги жиҳатдан барча талабга жавоб беради.

Илованинг бош экранида кундалик ҳаётда энг кўп ишлатиладиган банк хизматлари жойлаштирилган. Бу хизматлар сирасига онлайн микроқар-зни расмийлаштириш, жорий валюта-лар курси ва уни айирбошлаш, коммунал ва бошқа хизматлар учун пул тўлаш, очилган банк карталарини бошқариш, фи-лиаллар ва банкоматлар тўғрисидаги маълумотлар киради. Буларнинг барча-си иловадан фойдаланиш-ни нафақат қулай ҳолга келтиради, балки қимматли маълумотлар ҳам беради.

Мобиль иловдаги валюта айирбошлаш курси филиаллар-даги курсдан кўра фойдалироқ. Шу сабабдан “Hamkorbank” ми-жозлари “Hamkor” иловаси ёрда-мида конвертация қилишда нафа-қат пул, балки вақтини ҳам тежашга эришишлари мумкин.

Шунингдек, “Hamkor” мобиль ило-васида жисмоний шахслар карталари-га ойига 5 000 000 сўмгача фоизсиз пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти мавжуд. Яъни бу шунинг англатадики, фойдаланувчилар дўстлари ва яқинларига ортиқча фоиз ва харажатларсиз пул ўтказмаларини амалга оширишлари мумкин.

“Hamkor” мобиль иловаси ҳар бир транзакциядан кейин автоматик ра-вишда тўлов чекларини шакллантириш имконини беради. Яъни пул ўтказма-ларини амалга оширишда ёки илова орқали хизматларни тўлашда фойда-ланувчилар комиссия миқдори бўйича физикал чекни шакллантириб, шахсий ҳисоботлари учун сақлашлари мумкин. Ушбу чекда пул ўтказмаси ёки тўлов

миқдори, транзакция санаси ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, фойда-ланувчиларга ўз харажатларини куза-тиб бориш имконини беради. Барча ҳисобот ҳар доим “Hamkor” иловаси-да барқарор ҳолда сақланиб қолади.

Юқорида қайд этилган қулайликлар-дан ташқари иловада қуйидаги қўшим-ча хизмат турлари мавжуд:

■ **Шахсий кредит кабинети.** Бу кабинет орқали сиз кредит ID рақа-мингизни билиш ва кредит шартно-мангиз нусхасини юклаб олишингиз мумкин.

■ **Жорий валюталар курси.** Дол-лар ва бошқа валюталар жорий кур-сини кузатиб бориш ҳамда илованинг ўзида унинг конвертациясини амалга ошириш имконияти мавжуд.

■ **Банк картасининг ПИН-кодини ўзгартариш.** Асосий экранда ПИН-коди ўрнатилмаган карталар ҳам кўрсатилади. Сиз бу функционал ор-қали “Карталар” бўлимида акс этган картангиз ПИН-кодини ўрнатишингиз ёки алмаштиришингиз мумкин.

Қолаверса, банкларда кўп ҳоллар-да энг кўп навбатга туриладиган ва филиалларда расмийлаштириш учун вақт талаб қиладиган халқаро пул ўтказмасини қабул қилиб олиш қулайлиги яратилган. Эндиликда илова фойдаланувчилари “Золотая Корона” халқаро пул ўтказмалари тизими орқали дунёнинг турли мамлакатларидан пулни ўзига қулай жой ва вақтда қабул қилиб олишлари мумкин.

Банк мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини янада яхшироқ қондириш учун “Hamkor” иловаси-ни ривожлантириш ва тақомил-лаштириш борасида жадал ишлар олиб боришмоқда. Келгусида, илова-га янги имкониятлар қўшиш ва хиз-матлар турини ошириш орқали дас-турнинг функционал имкониятлари кенгайтирилади. Жумладан, халқаро тўлов тизимлари билан интеграция-лашувини йўлга қўйиш борасида иш-лар олиб боришмоқда. Масалан, “VISA”, “Union Pay” ёки “SWIFT” ти-зимини орқали халқаро пул ўтказмала-рини тўғридан-тўғри “Hamkor” ило-васида қабул қилишни татбиқ этиш режалаштирилган. Илованинг келгу-сидаги ҳолати ва банк режалари ҳақида шунинг айтиш керакики, мазкур



молия ташкилоти мижозларга қутил-ганидан кўпроқ имкониятларни тақ-лиф қилишга тайёр.

Қисқача айтганда, мазкур банк учун молия секторини рақамлашти-риш устувор вазифа ҳисобланади. Бундан кўзланган асосий мақсад — банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишда ишончилик, қулай-лик яратиш ва инновацияларга кенг йўл очишдир. Молиявий барқарор-ликка эришишда “Hamkorbank” ак-циядорлик тижорат банкининг рақам-ли молиявий ечимлари сизга ишонч-ли ҳамкор бўла олади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли қилинган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибаёт 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахриратта келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.10

Топширилди — 00.30

1 2 3 4 5 6